



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 12 сентябрь, № 181 (4334) Чоршанба

ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШИМИЗ!



Фахр

Рўздат ЖУМАНИЕЗОВ (ўз) олган сурат.

16 ёш... Айни шу ёшда инсон гўзаллик ва эзуликка ошурта бўлади. Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Шириннинг оташин муҳаббатини англаб етади. Энг муҳими, аждодларининг қимлигини, ота-она, момо-боболарнинг қадрини, Ватан меҳри ва эъзозини теран тушуна бошлайди. Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мустақиллигимиз тенгдошлари ўз таваллуҳ кунларини кўтаринки кайфиятда нишонламоқдалар. Чунки улар мустақиллигимиз бешинчи таътил кунини қизғинлик билан кўраётган бўлиб, улар биздан-да доно, билимли, ақли, истисодли, буюк давлат иморатини бунёд этган ака-

ларига, опаларига, оналарига, оталарига муносиб вояси, қўли гул шоғир, садоқатли авлоддирлар. Нурали уфқларга туташиган истиқбол тарихий мартабага эга мустақиллик фарзандларига муносиб. Шу боис, мустақиллигимизнинг 16 та қирғин болалигининг арзулари улғ, ниятлари улкан, таниласан йўллари эса буюк манзилларга қараб кетган. Қолаверса, муборак кунларда табарук рамзалар муҳралиган Ўзбекистон Республикаси паспортини кўларига тутган ёшларимиз халқ, миллат, давлат, мамлакат олдига шарафли масъулиятини ўз зиммаларига олмақдалар.

Бу масъулият улардан шаймон-этиқодни, собиит иродани, Ватанга чеक्सиз муҳаббатни, яратувчилик ва бунёдкорликни, ҳалолликни, инсофу дийнатини, эл бахти ва фаровонлиги сари зафарли қадам ташлашни талаб этади. Яқинда Эликқала туманида истиқлол тенгдошларига фуқаролик паспортлари тантанали равишда топширилади. Илҳом Қўтимова, Жулдиз Аймирова, Муносиб Жуманова, Жасурбек Бобожонов, Темир Янсийев, Дониёр Раҳмонов, Асино Нурулметова, Рустам Гулом, Бахтиёр Азиев, Нурибек Соҳибов, Илзат Зарипов ва бошқа кўпбал йиғит-қизлар

фуқаролик ҳужжатини кўларига олар эканлар, улуғ мамлакатнинг етух азоси сифатида Ватан тараққиёти ва келажига йўлда қамарбаста бўлишларини, билдирилаётган шаймончи, албатта, оқлашларини баралла айтдилар. Бинобарин, бу ёшларни меҳрибон, овоз ва обод Ватан кутмоқда. Чунки уларнинг ризиқ рузлари, баракалари, сароҳатлари, яхшиликлари, меҳнатлари эрта-индин она тупроққа сочилиб, Вақт келдики, Ватан қилган эъзозларини юз баравар кўпайтириб қайтарди. Номларини ўзининг уммас, мангу китобига ёзиб қолдиради.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Миллий байрамнинг нишонлаши муносабати билан, мен улкан мамнуният ила Сиз, Жаноби Олийларига ўзининг қутловларини ва истиқболда Ўзбекистон ҳукумати ва халқига бахт-саодат ҳамда равақ тилаб билдирган энг эзгу истақларимни йўллайман.

ЕЛИЗАВЕТА II, Буюк Британия Қироличаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кўни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларим ва дўстона тилақларимни йўллашдан беҳад мамнунман. Сизга сийҳат-саломатлик, бахт-саодат ва дўст ўзбек халқига тараққиёт ва фаровонлик тилайман. Фурсатдан фойдаланиб, исломий биродарлик, самарали ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка асосланган муносабатларимиздан беҳад мамнун эканлигимни маълум қиламан. Шунингдек, халқларимиз манфаатлари ва мусулмон уммати бирдамлиги йўлидаги ҳамкорлигимиз келгусида ҳам давом этишига умид билдираман. Президент Жаноби Олийларига, Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

МУҲАММАД VI, Мароқаш Подшоҳи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийларига, 2007 йил 1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Жанубий Африка Республикаси халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига, Ўзбекистон Республикаси халқи ва ҳукумати самимий табрик ва халис тилақларини йўллашдан мамнуллигимни изҳор этаман.

Жаноби Олийларига, мамлакатим ҳукуматининг давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлари янада мустаҳкамлашга бўлган иштиш ва хоҳиш-истақни алоҳида таъкидламоқчиман. Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Жаноби Олийларига, Сизга бўлган самимий эҳтирмларимни қабул қилгайсиз.

Табо МБЕККИ, Жанубий Африка Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийларига, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кўни муносабати билан самимий қутловларини ҳамда мамлакатимиз ва халқимизга бардавом равақ тилаб билдирган эзгу истақларимни йўллашдан мамнунман.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар келгусида ҳам равақ топиб, мустаҳкамлашиб бораверади.

Жаноби Олийларига, Сизга бўлган гоят юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

Валдис ЗАТЛЕРС, Латвия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийларига, Ўзбекистоннинг Миллий кўни муносабати билан Ҳиндистон ҳукумати ва шахсан ўз номидан қутловлар йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Ҳинд ва ўзбек халқлари ўртасида қадимдан мустаҳкам алоқалар ва яқин муносабатлар қарор топган. Бу йил 2750 йиллиги кенг нишонланаётган Самарқанд шайхри халқларимизнинг ҳамкорлигига кўп бор гувоҳ бўлган.

Сўнгги ўн беш йил ичида мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама муносабатларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришнинг мустаҳкам асоси яратилди. Мен ушбу йўналишда Сиз билан ҳамкорликни давом эттиришдан умидворман.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистоннинг дўст халқига бардавом муваффақият, равақ ва омонлик тилайман.

Жаноби Олийларига, Сизга бўлган гоят юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Манмохан СИНГХ, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири

МУВАФФАҚИЯТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ВА ТАКТИКАСИ

Мамлакатимиз раҳбари ўзининг "Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли" маърузасида миллий иқтисодийни шакллантириш ва уни тубдан ислоҳ этишининг оғир давларини ёдга олиб, жумладан, ёш суверен давлат раҳбарияти олдидagi долзарб вазифалардан бири ёнлиги-энергетика мустақиллигига эришиш бўлганлигини қайд этди.

Сир эмаски, ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий-иқтисодий тараққиётида ёнлиги-энергетика заҳиралари муҳим роль ўйнайди. Уларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги, халқаро мутахассислар тасдиқлашча, ушбу тараққиётта нафақат тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади, балки маълум даражада у ёки бу мамлакат танлаган тараққиёт йўлининг нақадар ҳаётий ва мустақил эканлигини кўрсатиб беради.

Мана шунинг учун ҳам ёнлиги-энергетика мустақиллигига эришиш Ўзбекистон олдига турган муҳим стратегик вазифалардан саналган. Давлатимиз раҳбарияти ушбу масала-

ни ҳал этиш учун урта асосий йўналишни ишлаб чиқди:

Биринчидан, дастлабки йилларда иқтисодийнинг барча соҳаларини таъминлаш ҳамда мамлакат аҳолисининг ёнлиги-энергетика эҳтиёжларини қондириш учун 6-7 миллион тонна мийдорда нефть ва нефть маҳсулотлари олиб келинар эди. Бунинг учун, албатта, анчагина маблағ сарф этиларди. Айнан нефть мустақиллигига эришиш учун нефть ва газ конденсати қазиб олишни кўпайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда).



ДЕҲҚОННИНГ ЯҚИН ҲАМКОРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июнда қабул қилинган "Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг тақомиллаштириш тўғрисида"ги қарори асосида ташкил этилган «Пахтакор тола базаси» худудий терминали тармоқдаги йирик экспортчилардан бири ҳисобланади. Терминал жамоаси «Ўзмарказимпекс» давлат-акциядорлик ташкили савдо компанияси орқали 2006 йил пахта ҳосилидан хорижий харидорларга 72 минг тоннадан зиёд тола жўнатди.

Терминал ташкил этилган йили икки минг тонна тола сақлашга мўлжалланган омборхонага эга эди. Президентимизнинг алоҳида эътибори туфайли бу ерда катта ҳажмда қурилуш ишлари амалга оширилди. Ушган йилларда умумий майдони 12 минг квадрат метр бўлган, ўн минг тонна тола сақлашга мўлжалланган 11 та бино қурилди. Бундан ташқари, Жиззах шаҳрида 12 минг тонна тола сақлашга мўлжалланган янги омборхона мажмуаси барпо этилди.

Пахтакорлар ва пахта sanoati корхоналари жамоаларининг меҳнати маҳсулини хориждаги истеъмолчиларга сифатли ва шартномада белгиланган муддатларда etkazиб беришда терминал муҳим ўрин тутмоқда. Шу маъно-

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Қонунчилик палатасининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги маърузасида кўриб чиқилган вазифалар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашга қаратилган масалалар кўриб чиқилди. Депутатлар мамлакатимиз раҳбарининг кўшма мажлисидаги маърузасида кўриб чиқилган масалалар ва қўйилган вазифалар Қонунчилик палатаси депутатлари фаолиятида катта аҳамиятга эга бўлаётгани ҳақида тўхталиб ўтдилар. Шунингдек, улар маъруза ҳар бир депутат, айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг янги

қ. ХИДИРОВ, "Халқ сўзи" муҳбири.

ЮНЕСКО раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентини Марғилоннинг 2000 йиллиги билан қутлади

Кўни кеча давлатимиз раҳбари иштирокида Марғилоннинг 2000 йиллиги тантаналари кенг нишонланди. Шу муносабат билан ЮНЕСКО Бош директори Коичиро МАЦУУРА Ўзбекистон Республикаси Президенти номига ўз табригини йўллади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийларига! Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги нишонланаётган ушбу қутлуғ жўма айёмида ЮНЕСКО ва шахсан ўз номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига самимий қутловлар йўллашга ихозат бергайсиз. Мазкур ажойиб байрам Ўзбекистонда бой маданий меросни асраб-авайлаш ва ривожлантириш борасида узокки кузлаб амалга оширилётган кенг қўламли олижаноб ишларнинг узвий қисмидир. Бундай эзгу ишларга гўзал мамлакатингизга ташрифларим чоғида шахсан ўзим кўп бор гувоҳ бўлганман. Бу фикр ЮНЕСКО Бош конференциясининг 33-сессиясида қабул қилинган резолюцияда ҳам ўз тасдиқини топган. Мазкур ҳужжатда Марғилоннинг Марказий Осиё тарихида ноёб ўрин тутгани ҳамда асрлар давомида Буюк Илқ йўли бўйлаб маданиятлараро мулоқот ва тинчликни мустаҳкамлаш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлгани эътироф эти-

Конкор МАЦУУРА, ЮНЕСКО Бош директори Париж, 2007 йил 6 сентябрь

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов фармонида мувофиқ ташкил этилган Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси фаолият юрита бошлаганига 15 йил бўлди.

— Президентимизнинг 1992 йил 12 сентябрда қабул қилинган "Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий аҳамиятга молик гоят муҳим ҳужжатдир, — дейди Ўзбекистон Республикаси хайрия жамғармаси республика бошқаруви раиси Анвар АҲМЕДОВ. — Халқимизнинг қадимий урф-одатларини, анъаналарини авайлаб-асраш ва бойитишга ҳар томонлама қўмақлашчида, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етим-есирларга, ёлғиз кексаларга нисбатан меҳр-шафқатли бўлиш гоёларини тарғиб қилишда, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишда ушбу фармон бениҳоя муҳим аҳамият каоб этмоқда. Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқаришни янги бўғини — маҳалланинг мустақил фаолият кўрсатиши учун кенг

амалга оширилётган кенг қўламли ислохотлар ҳамда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган изчил сиёсат фуқаролик жамиятининг ажралмас қисми бўлган жамоат ташкилотларининг, жумладан, маҳалланинг ўрни ва аҳамиятини тобора оширмоқда. Бу жараён, биринчи гада, кўпбал масалаларни ҳал қилишда давлат бошқаруви идораларининг муайян функцияларини жамоат ташкилоти бўлиши маҳаллалар зиммасига босқичма-босқич ўтказишга тақозо этади. Негаки, фуқаролик жамияти — фуқаролар жамоат бошқаруви деган сўздир. Айни вақтда бундай бошқарув усули ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, фуқаролар йиғинлари номи билан фаолият юритаётган тузилмаларга давлат бошқарув идораларининг вазифалари босқичма-босқич ўтказиб берилмоқда. Демак, фуқаролар йиғинлари орқали

муҳим аҳамиятга эга бўлгани эътироф этилиб, ушбу қадимий шаҳар юбилейини бутун жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистон халқи билан бирга кенг нишонлаши қайд этилган. Марғилоннинг юбилей тантаналари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги нишонланаётган кунларга тўғри келгани менга алоҳида мамнуният бахш этади. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистоннинг Миллий байрами муносабати билан Сиз, муқтарам Президент Жаноби Олийларига ўзининг энг самимий тилақларини йўллашга, Ўзбекистон халқига фаровонлик, ўз маданий мероси ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришда улкан муваффақиятлар тилашга ихозат бергайсиз. Жаноби Олийларига, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилгайсиз.



Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг расмий наشري — "Алоқинформ" журналининг биринчи сони босмадан чиқди.

Ушбу журналда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, мамлакатимиз Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига оид қарор ва фармоишлари, соҳага тегишли меърий ҳужжатлар, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Радио-частоталар бўйича давлат комиссияси, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Илмий-техника кенгаши, Стандартлаштириш техника қўмитаси, Давлат Алоқа инспекцияси, Электр магнит мувофиқлик маркази, Илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлари маркази ҳузуридаги соҳалар хизматларининг расмий ҳужжатлари, шунингдек, ушбу соҳада фаолият юритиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар ҳамда телекоммуникация техника воситаларининг мувофиқлиги сертификатлари тўғрисидаги ахборот чоп этилади.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги нашр муассиси ҳисобланади. Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган бўлиб, ҳар ой Илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлари маркази томонидан нашрдан чиқарилади.

"Алоқинформ" аввалги "Алоқа ахборотномаси" ахборот бюллетени ўрнига чоп этилмоқда. "Алоқа ахборотномаси" саҳифаларида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига доир муҳим воқеалар, янгиликлар ҳамда айрим ҳужжатлар ёритилар эди.

Келгусида "Алоқинформ" журналининг иловасини ҳам чоп этиш кўзда тутилмоқда. Унда ахборот тусидаги ва тахлилий материаллар, соҳа янгиликлари, статистика маълумотлари, билим орттиришга хизмат қиладиган ахборотлар зълон қилинади. Журналининг 2007 йилги сонлари Илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлари маркази билан шартнома асосида тарқатилади. 2008 йилдан бошлаб "Алоқинформ" обуна бўйича тарқатилади. Журналининг "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси каталогидagi обуна индекси — 1157.

(ЎзА).

Пойтахтимиз кўчаларида, жамоат транспорти бекатларида, хиёбонларда, ўқув масканларида, стадионларда, боринги, марказдан тортиб энг олис ҳудудларда ҳам бу ижодий уюшманинг маҳсулини кўргансиз. Халқимизнинг Мустақиллик йилларида қўлга киритган муваффақиятлари, орзу-умидларини панно ва плакатлар орқали ёрқин бўёқ ҳамда рангларда акс эттириб, ҳадису ҳикматлар билан одамлар орасига эзгулик уруғини сочишда "Тасвирий ойна" ижодий уюшмасининг ўзига хос ўрни бор.

ҲИҚМАТЛИ СЎЗ ТАСВИРИ

Аслида, халқнинг бахт-саодати ва фаровон ҳаётини таъминлаш Президентимиз ва ҳукуматимизнинг доимий диққат-марказида бўлиб келган. Айниқса, кейинги ўн-ўн беш йилда "Ислохотлар инсон учун, унинг манфаатлари учун!" деган эзгу гоя асосида кенг кўламли ва аниқ режали тадбирлар амалга оширилди. Буни ҳар бир йилга алоҳида ном бериб, йил давомида ба- жарилган вазибалардан, халқимиз турмуши кундан-кун яхшиланиб бораётганидан ҳам билсак бўлади.

Хусусан, бу йил аjoyиб саналар, юбилей ва байрамларга бой йил бўлди. Ватан ҳимоячилари кўни, Халқаро хотин-қизлар кўни, Наврўз, Мустақиллик байрамлари, Республика Байналминал маданият маркази ташкил топганининг 15 йиллигини, Самарқанд шаҳрининг 2750, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйларини тантана қилдик. Шу қаторда "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси ҳам бу йил ўзининг 10 ёшини нишонлайди.

— Уюшма 1997 йил 12 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойна" ижодий уюшмасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қарорига асосан ташкил этилган, — дейди бошқарув раиси Ифандиёр Латипов. — Ташкилотимиз шу вақтдан бери мамлакатимизда қўлга киритилган иқтисодий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ютуқларни кенг халқ оmmasига таъсирчан ва жозибдор шаклларда етказиш, халқимизнинг чинакам бунёдкорлик ишларини, миллий қадриятларимизни, одамлар онги ва маънавий қиёфасида рўй бераётган ўзгаришларни тасвирий воситалар орқали кенг тарғиб этиш борасида имкон

қадар самарали ишлашга ҳаракат қилиб келмоқда.

Дарҳақиқат, жамоа бирон-бир жараёни акс эттирувчи тасвир ёки шiorда эзгуликка даъват этувчи руҳ, ибратли ҳикмат бўлишига, расмларда эса ҳалол меҳнати, фидойилиги, ватанпарварлиги, изланувчанлиги ва ташаббускорлиги билан ёшларга ўрнак бўлаётган бунёдкор, бугунги қаҳрамон — замондошларимиз сиймосини миллий қадриятлар асосида шарқона гўзал тасвирларда акс эттиришга интиломоқда.

Қатрада қуёш акс этганидек, баъзан икки сатр шеър ёки бир кичик иборатда катта бир асар мазмунини мужассам бўлиши мумкин. Гўзал тасвир, ибратли ўғит, даъват, ҳикматли сўз ёки шior инсон руҳиятини кўтариб, дилини равшан этиши, орзуларини қанот ёздирдиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

"Тасвирий ойна" ижодкорлари яратган ҳаётини матн ва шiorларда ҳам, ўғитлар, макол ва ҳикматли сўзларда ҳам чуқур маъно бўлиши лозимлигига катта аҳамият берилади. Чунки кўргазмалар ахборот воситаларининг асосини ташкил қилувчи таълим ва тарбиянинг мазмун-моҳияти ҳам ана шундай ҳикматли матнлардadir. Тасвирий тарихот иш-

ларида Ўзбекистонда олиб борилаётган бунёдкорлик, янгиликни, тараққиёт жараёнларини акс эттирувчи, қайноқ ва жўшқин ҳаётни тарғиб қилувчи гўзал тасвир ёки шiorларда эзгуликка даъват руҳи сезилиб туради.

Масалан, Чорсу бозорида "Тасвирий ойна"чилар ижодига мансуб бир неча плакатлар илинган. Уларда ёзилган айрим сўзларни ўқиймиз: "Ҳалол бўлинг, харидор ҳар сафар бозорга кирганда сизни қидириб топадиган бўлсин", "Ихлос билан бозорлик қилсанг, рўзгоринг баракали бўлади", "Беморни кўришга бораётганларга энг сарҳил неъматларни беринг. Шунда сиз ҳам беморни кўрган кишидек савобга қоласиз". Албатта, бундай ёзувларни ўқиган кишининг юрагидида озгина бўлса-да, меҳр уйғонса, ўз ишига ҳалоллик билан ёндаша, айни мuddо.

"Ҳаётнинг ширин ўтишини истасанг, тўрт нарсанинг — касал бўлмасликдан аввал соғлиқнинг, қаримасдан аввал ёшлиқнинг, ўлимдан аввал тирикликнинг ва қарамликдан аввал озодликнинг қадрини яхши бил!" Тасвирларда акс эттирилган доноларнинг шу ва шу каби ҳикматли сўзлари лойқадлик, бевафолик, ёлгончилик, иғво, тухма, хиёнат



каби иллатларга қарши курашишга ундайди. "Тасвирий ойна"чилар эса бу иллатларни беаёв танқид қилмоғи лозим.

Президентимизнинг шундай гаплари бор: "Рухияти баланд халқ асло енгилмайди! Зеро, уюшманинг асосий вазифаси ҳам — одамлар руҳини кўтариш, мустақилликни мустаҳкамлаш учун эл-юрт манфаатларига хизмат қилаётганлар, айниқса, қишлоқ, овул, шаҳар ва туманларда гаирати, ҳалоллиги туфайли бошқаларга намуна бўлаётган фидойилар ҳаётини кенг акс эттиришдан иборат. Чунки шарқона тасвирий воситалар кишилар қалбида Ватанга муҳаббат, миллий гурур, ташаббускорлик, шижоат уйғотади. Шу билан бирга, бу ёзув ва суратлар одамларни ён-атрофдаги ишларга нисбатан бефарқ бўлмасликка қорлайди.

Максуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" муҳбири.
Темур ҚУРБОНОВЕВ
олган сурат.

Спорт • Sport • Спорт

ПОЛВОНЛАР БЎШ КЕЛИШМАДИ

Қозғоғистонда самбо бўйича жаҳон кубогининг навбатдаги босқич мусобақалари бўлиб ўтди. Унда майдон эгаларидан ташқари, Ўзбекистон, Россия, Германия, Беларусь, Жанубий Корея ва Қирғизистондан келган 100 нафардан ортиқ полвон гилиблик учун гиламга чиқдилар. Мусобақада ҳамюртларимиздан Шухрат Муродов (57 кг.) ва Дамир Муҳидов (68 кг.) ўз вази тоифаларида бронза медалларини қўлга киритдилар.

АСАФА ПАУЭЛЛНИНГ РЕКОРДИ

100 метрга югуриш бўйича янги жаҳон рекорди ўрнатилди, деб хабар беради АРР. Италияда енгил атлетика бўйича ўтказилган Гран-при мусобақаларининг ярим финалида ямайкалик спортчи Асафа Паулл 100 метр масофага 9,74 сонияда етиб келди ва олдинги рекордини янгилади. Аввалги жаҳон рекорди 9,77 сония бўлиб, бу Асафа Паулл ва америкалик енгил атлетикачи Жастин Гэтлинга тегишли эди.

З. ЖОНИБЕКОВ.

АЛОҚА ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Алоқа соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифати ва пошта алоқаси қорхоналари томонидан турли тўловларни амалга оширишда ўрнатилган тартибнинг бузилишига ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларининг поймол қилинишига йўл қўйилганида, шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача (тушлик 13.00 дан 14.00 гача) Давлат алоқа инспекциясининг

137-01-11

рақамли


«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»

хизматига кўнғироқ қилинг. Манзилимиз: Тошкент ш., В. Малясов к., 3-уй. E-mail: sanktsiya@gis.uz

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат алоқа инспекцияларида шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар куни соат 10.00 дан 16.00 гача (тушлик 13.00 дан 14.00 гача) қуйидаги «Ишонч телефони» хизматларига мурожаат қилишингиз мумкин:

- | | |
|---------------------------------|-----------|
| 1. Қорақалпоғистон Республикаси | 224-01-11 |
| 2. Андижон вилояти | 224-01-11 |
| 3. Бухоро вилояти | 223-01-11 |
| 4. Жиззах вилояти | 226-01-11 |
| 5. Қашқадарё вилояти | 221-01-11 |
| 6. Навой вилояти | 224-01-11 |
| 7. Наманган вилояти | 226-01-11 |
| 8. Самарқанд вилояти | 222-01-11 |
| 9. Сирдарё вилояти | 40-01-11 |
| 10. Сурхондарё вилояти | 227-01-11 |
| 11. Хоразм вилояти | 226-01-11 |
| 12. Фарғона вилояти | 223-01-11 |
| 13. Тошкент вилояти | 125-01-11 |
| 14. Тошкент шаҳри | 136-01-11 |

ҚАНДАЛА ЁҒГАН ОҚШОМ



Эстониянинг Рухну ороли аҳолиси ўтган кунни тунда галати воқеанинг гувоҳи бўлишди. Самодан ёмғир ўрнига қандала ёғди. Бу ҳақда Eesti Paevaleht маълумотига асосланиб, Postimees хабар тарқатди. Оролдаги мактаб ўқитувчиси Аве Виирмаанинг таъкидлашича, у аввалига осмондан дўл ёғаяпти, деб уйлаган. Аммо чирокни ёқиб қараса, самодан кўп миқдорда қандала (қон сўрувчи хашарот) ёғаётгани маълум бўлган. Энтомолог Урмас Тартеснинг таъминича, қандалани оролга бўрон олиб келган. Чунки улар оролгача учиб кела олмайд.

ДИҚҚАТ! АВТОМОБИЛЛАРНИ ГАЗ БИЛАН ТЎЛДИРИШ СТАНЦИЯЛАРИ!

Хурматли тadbirkor жаноблар! Автомобилларга табиий ва суолтирилган газ қуиш станцияси қурмоқчи бўлсангиз: уларни лойihalаш, экспертизадан ўтказиш, МДХ, Европа ва Хитой давлатлари ишлаб чиқарувчилари билан технологиялар олиш учун имтиёзли шартномалар тузиш ва бошқа масалалар бўйича юқори малакали мутахассислар хизматингизга тайёр. Мурожаат учун манзил: Кўкон ш., А.Мамаюсов к., 10-уй, «Газлойд» институт. Телефон: (8-373) 552-27-60. Факс: 552-46-04.

Тел.: 215-89-89, 215-83-38. Кафолат — 2 йил. Махсулот сертификатланган.

HYUNDAI Official Partner www.hyundai-motor.com

УЛЬЯНОВСКИЙ АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозавоидида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобилларини сотади.

ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАР

ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШУВЧИ АВТОМАШИНАЛАР

Шунингдек, фургон УАЗ-3741, юк ортши учун хажмли УАЗ-3909, 4x4 МРВ: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомашинаси УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

Харидорлар диққатига! Автомобилларни лицензияга, кредитга олиш бўйича акциядорлик тижорат «Жамқорбанк»нинг барча филиалларига мурожаат қилишингиз мумкин!

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Тел./факс: 149-33-69, 150-20-43. Манзил: Тошкент ш., Беруний к., 83-уй.

М.Кориёқубов номдаги Академик ва халқ бадий жамоалари дирекцияси Ўзбекистон халқ ҳофизси

Фахриддин УМАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оида аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат юридик институти жамоаси давлат ҳуқуқи ва бошқаруви кафедраси ўқитувчиси Шавкат Назаровага онаси **Онавог ТЎЛИБЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат санъат институти жамоаси ахборот технологиялари кафедраси доценти **Рустам ТУРДИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оида аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Адишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жамоаси кутубхона директори Абдусалом Умаровга волидан мухтарамаси **ЖИБАКХОН** янинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 24960 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва мунтакалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров. Навбатчи — С. Раҳмонов. Мусахҳах — Ҳ. Топхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 20.35 Топширилди — 23.30 2 3 4 5 6